

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУХТАРОВ ФАРРУХ ХАНДАМОВИЧ

**ХЎЖАЛИК ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИДА ҲАВОНИ
СОВИТИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ИККИ БОСҚИЧЛИ
БУҒЛАТИБ СОВИТГИЧ АСОСИДА ОШИРИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мухтаров Фаррух Хандамович

Хўжалик ва ишлаб чиқариш биналарида ҳавони совитиш тизимининг самарадорлигини икки босқичли бўғлатиб совитгич асосида ошириш..... 3

Мухтаров Фаррух Хандамович

Повышение эффективности систем охлаждения воздуха бытовых и производственных помещений на основе двухступенчатого испарительного охладителя 23

Mukhtarov Farrukh Khandamovich

Improving the efficiency of air cooling systems for domestic and industrial premises based on a two-stage evaporative cooler 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУХТАРОВ ФАРРУХ ХАНДАМОВИЧ

**ХЎЖАЛИК ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИДА ҲАВОНИ
СОВИТИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ИККИ БОСҚИЧЛИ
БУҒЛАТИБ СОВИТГИЧ АСОСИДА ОШИРИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда хўжалик ва ишлаб чиқариш бинолари ҳавосини мўтадиллашда (совитиш, иситиш, шамоллатиш ва намлантириш) учун буғлатиб совитиш қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... энергия истеъмолининг доимий ортиши ва рақобат туфайли аста-секин кам энергия сарфлайдиган энергия самарадор ускуналардан фойдаланиш зарурияти юзага келган. Буғланма совитгичлардан фойдаланиш ва ўрнатиш харажатлари одатий музлатгич ёки кондиционерларга қараганда 50% ёки ундан камроқни ташкил этган»¹. Бу борада, жумладан, жаҳонда барча илмий ва муҳандислик фаолияти табиий ва энергетик ресурс захираларидан оқилона фойдаланиш йўлини излашга ва инсон ҳаёти фаолиятини таъминлайдиган экологик тоза ва энергия тежамкор қурилмаларни яратиш, жаҳон амалиётида ҳавони мўтадиллаш тизимлари энергия самарадорлигини ошириш учун буғланма совитгичларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда хўжалик ва ишлаб чиқариш бинолари ҳавосини мўтадиллаш тизимларида буғлатиб совитиш усулларида фойдаланиш, тизимга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва моделлаштириш, икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмаларини такомиллаштириш ва ишончлилигини ошириш, шунингдек, ҳавони мўтадиллаш тизимларида энергия истеъмолини камайтирадиган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, турар – жой ва жамоат бинолари, хўжалик ва ишлаб чиқариш бинолари ҳавосини мўтадиллаш тизимлари учун совикликнинг асосий манбаи сифатида буғ компрессорли машиналар қўлланилади, бироқ, улар энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳавони мўтадиллаш тизимларида буғланма совитгичлардан фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини ривожлантириш соҳанинг технологик даражасини янгилаш, жумладан, бино ва иншоотларда ҳавони мўтадиллаш тизимларида конструктив ва иш режим кўрсаткичларини моделлаштириш, қурилманинг геометрик ўлчамларини ва унга сарфланадиган захираларни, энергия истеъмолини камайтириш ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, «...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифимларини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш...»² каби вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда ҳавони мўтадиллаш тизимларини (совитиш, иситиш, шамоллатиш ва намлантириш) икки босқичли буғланма совитгичлардан фойдаланиб такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

¹https://www.researchgate.net/publication/267762698_Review_of_research_and_application_of_evaporative_cooling_in_preservation_of_fresh_agricultural_produce

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ҳавони мўътадиллаш тизимларида содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнлари режимини ҳисоблаш, ҳавони мўътадиллаш тизимлари бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Sakarya University (Туркия), Stauttgard University, Dresden University of technology (Германия), Polytechnic University of Milan (Италия), Волгоград давлат архитектура қурилиш университети, Новосибирск давлат техника университети, Миллий тадқиқот университети «МЭИ» (Россия), Тошкент архитектура қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети, ЎзР ФА Энергетика муаммолари институтида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бино ва иншоотларда ҳавони мўътадиллаш буғланма совитгичлар асосида ҳамда иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларининг илмий асосларини ечишга қаратилган назарий ва илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар Какорин О.Я., Нестеренко А.В., Пономаренко В.С., Берман Л.Д., Гоголин А.А., Ладиженский Р.М., Карпис Е.Е., Михеев М.А., Эккерт Э.Р., Баркалов Б.В., Богословский В.Н., Мигай В.К., Назаренко В.С., Грановский В.Л., Поз М.Я., Пеклов А.А., Степанова Т.А., Соколик А.Н., Холмберг Р.Б., Sparrow Е.М., Besant R. W., Watt J.R., Hess A.J., Bacon R.A. ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшишган.

Республикамизда ҳавони мўътадиллаш тизимида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини жадаллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги ўзбек олимлари Захидов Р.А., Авезов Р.Р., Мухиддинов Д.Н., Рашидов Ю.К., Исманхужаева М.Р., Исаходжаев Х.С. ва бошқа олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Таҳлиллар натижасида, буғлатиб совитиш тамойилига асосланган ҳавони мўътадиллаш тизимларида энергияни тежаш мақсадида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда совитгичларни такомиллаштириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди. Сезиларли муваффақиятларга қарамай ҳар бир босқичда айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргични қўллаган ҳолда тизимнинг энергетик тежамкорлигини ошириш етарли даражада

ўрганилмаган. Мазкур ишда, содир бўлувчи иссиқлик ва гидродинамик жараёнларни таҳлил қилиш ва ҳавони мўтадиллаштириш тизими учун қурилманинг мақбул технологик ва геометрик кўрсаткичларини танлаш, совитилган сув ва ҳаво кўрсаткичларини аниқлаш ечимлари тақдим этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти тадқиқот режасининг №ЁО-А3-008 «Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларида қурилган уйлар ҳавосини совитиш тизимини икки босқичли айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичли буғлатиб совитгич асосида ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2018).

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқариш биноларида буғланма совитгич қурилмаларидан фойдаланиб, ҳавони мўтадиллаш тизими самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкор икки босқичли буғланма совитгич қурилмаси схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳавони буғланма совитиш усуллари ва қурилмалари, уларда амалга ошириладиган термодинамик, иссиқлик масса алмашинув жараёнлари ва қонуниятларини таҳлил қилиш;

бино ва иншоотлар учун ҳавони мўтадиллаштирувчи айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич билан такомиллаштирилган икки босқичли буғланма қурилманинг физик моделини ишлаб чиқиш;

форсункали камерада содир бўладиган ҳавога сув билан ишлов бериш жараёнларини математик моделини ишлаб чиқиш;

яратилган ҳаво мўтадиллаштирувчи қурилма учун ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва сонли тақиқотлар ўтказиш;

ҳавони мўтадиллаштирувчи икки босқичли қурилмани такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда олинган натижаларни назарий натижалар билан таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳавони икки босқичли буғлатиб мўтадиллаштирувчи қурилма олинган.

Тадқиқотнинг предметини икки босқичли буғланма ҳаво совитгичларининг энергетик ва иссиқлик техникавий кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот даврида ҳавони мўтадиллашда термодинамик, иссиқлик ва масса алмашинув жараёнлари қонуниятларини тажриба қурилмасида ва назарий ҳисоблашдан олинган натижаларни солиштириш ҳамда қурилма ва жараёнларнинг рационал параметрларини ҳисоблаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич асосида энергия тежамкор икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмасининг схемаси ишлаб чиқилган;

ўтиш бирликлар сони асосида ҳавога сув билан ишлов бериш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргични мақбул геометрик кўрсаткичлари тажриба синов асосида аниқланган;

буғланма совитгичларни ҳавони мўътадиллаш тизимларида фойдаланиш муддатлари, техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

ҳавони мўътадиллаш ва совитиш учун икки босқичли буғланма қурилмаси яратилган;

энергия самарадор ҳавони мўътадиллаштирувчи икки босқичли буғланма қурилмаси айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич билан такомиллаштирилган ва муҳандислик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

қурилма самарадорлигини оширувчи айланма регенератив иссиқлик алмаштиргич насадқасининг геометрик кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

бино микроиклим талабини инобатга олган ҳолда буғлатиш камерасининг конструктив кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги буғлатиб совитиш камерасида иссиқлик ва масса ўтиш жараёни қонуниятлари асосида назарий ва тажриба изланишлари олиб борилган, олинган натижалар таққосланган ҳамда уларнинг қийматлари муҳандислик нуқтайи-назаридан бир–бирига мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти икки босқичли буғланма ҳавони мўътадиллаш қурилмасида ҳавони талаб қилинган ҳароратгача совитиш, ҳамда иссиқлик ва масса ўтиш жараёларини моделлаштириш, шунингдек, айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичнинг геометрик кўрсаткичларининг рационал қийматларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти энергия самарадор схема асосида бино ва иншоотлар ҳавосига иссиқлик ва намлик билан ишлов беришда жорий қилинган. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти икки босқичли буғланма совитиш қурилмасида айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичлар қўллаш орқали энергия истеъмолининг қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хўжалик бино ва иншоотларида айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич билан такомиллаштирилган икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмаси:

айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич билан такомиллаштирилган икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмаси «ROYAL FAMILY» МЧЖ да жорий қилинган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 18 январдаги 6/04-15-484-сон маълумотномаси). Натижада ҳавони мўътадиллаш тизимида сарфланадиган электр энергия сарфини 2,4 марта камайтириш имконини берган;

нам ҳавонинг кўрсаткичларини аниқлаш усули ва алгоритми «ROYAL FAMILY» МЧЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 18 январдаги 6/04-15-484-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқариш жиҳозларини таъмирлашсиз хизмат муддатини 17 ойгача ошириш имконини берган;

бино-иншоотларда микроиклим шароитини яратишда икки босқичли ҳавони буғлатиб совитиш ҳисоб-график усули «ROYAL FAMILY» МЧЖ биноси ҳавони мўътадиллаш тизими учун жорий қилинган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 18 январдаги 6/04-15-484-сон маълумотномаси). Натижада бино-иншоотларнинг ҳарорати 23-25 °C ва нисбий намлигини 46 % бўлишини таъминлашга эришилган;

буғлатиб совитиш қурилмасида кечадиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш асосида натижаларни қайта ишлаш усули «ROYAL FAMILY» МЧЖ биноси ҳавони мўътадиллаш тизими учун жорий қилинган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 18 январдаги 6/04-15-484-сон маълумотномаси). Натижада бир йилда 77 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналда, 1 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишиларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий – амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Ҳавони мўътадиллаш учун буғланма совитгичлардан фойдаланиш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот масалаларининг замонавий ҳолати ва таҳлили асосида тадқиқотлар муаммоси шакллантирилган. Ушбу боб биноларнинг микроиклим шароитларига қўйиладиган талаблар, бино ҳавоси ҳарорат – намлик кўрсаткичларини яхшилашнинг замонавий усуллари ва қурилмаларини таҳлил қилишдан бошланган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, таклиф қилинган икки босқичли буғлатиб совитиш тамойилида ишлайдиган ҳавони мўътадиллаш тизимларида берилган сувнинг тўлиқ буғланишига асосланган форсункали камераларнинг илмий муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, табиий берилган сувнинг тўлиқ буғланишига асосланган ҳолда тизимнинг энергия тежамкорлигини ошириш бўйича

тадқиқотлар олиб бориш зарурияти вужудга келган. Буғлатиб совитиш қурилмаларининг гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини ўрганиш, ҳамда конструкцияларини такомиллаштириш асосида уларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва ҳисоблаш услубларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ифодаланган.

Диссертациянинг «**Форсункали буғлатиш камерасида иссиқлик масса алмашинуви тадқиқоти**» деб, номланган иккинчи бобида форсункали буғлатиш камерасида иссиқлик масса ўтиш жараёнларининг физик модели, ҳавога сув билан ишлов бериш жараёнининг математик модели, ҳавога сув билан ишлов беришда иссиқлик ва масса ўтиш жараёнлари параметрларини ҳисоблаш усули ҳамда буғлатиш камерасининг иссиқлик техник ҳисоби келтирилган.

Форсункали буғлатиш камерасида содир бўлаётган иссиқлик-масса алмашинув жараёнлари бир хил бўлмаган полидисперс суюқлик фазасидан иборат бўлган дискрет юзада содир бўлиши билан мураккаблашади, бу камерага ва унинг атрофига томчилар тушиши туфайли камера узунлиги бўйлаб ўзгариб туради, шунингдек, камерада нотекис томчилар ҳаракати мавжуд бўлади. Натижада, камеранинг иш ҳажмида бир вақтнинг ўзида турли йўналишдаги иссиқлик ва масса оқимини келтириб чиқаради.

Форсункали камера учун суюқлик ҳаракати тўғридан – тўғри оқим билан тавсифланади ва бу ҳолатда камерани ҳисоблаш бир ўлчовли бўлади.



1–расм. Буғлатиш камерасида сув буғланишининг математик моделлаштириш чизмаси. 1-сувни форсунка орқали сачратиш, 2-камерага ҳавонинг кириши, 3-камерадан ҳавонинг чиқиши; I - сув томчилари ва уларнинг буғланиш зонаси, II – ишлов берилган ҳаво зонаси.

Контакт қурилмаларда, яъни форсункали камерада барқарор иссиқлик ва масса ўтиш жараёнларини тавсифловчи бир ўлчамли математик модель учун қабул қилинган эҳтимолларни ҳисобга олиб, қуйидаги тенгламалар билан ифодалаш мумкин:

- ҳавони энтальпия майдонини ифодаловчи тенглама:

$$\frac{dI}{dy} = \int_0^{\delta_{\max}} F_1(y, \delta) \cdot (I_{\delta} - I) d\delta, \quad (1)$$

- ҳавонинг ҳарорат майдонини ифодаловчи тенглама:

$$\frac{dt}{dy} = \int_0^{\delta_{\max}} F_1(y, \delta) \cdot (t_{\delta} - t) d\delta, \quad (2)$$

- турли ўлчамдаги томчилар учун суюқликнинг ҳарорат майдонини ифодаловчи тенглама:

$$\frac{dt_{\delta}}{dy} = \int_0^{\delta_{\max}} F_2(y, \delta) \cdot (I - I_{\delta}), \quad (3)$$

бу ерда $F_1(y, \delta)$ ва $F_2(y, \delta)$ у кесимида δ диаметрли томчиларнинг умумий юзасига, томчилар тезлигига ва уларнинг иссиқлик бериш коэффициентларига боғлиқ функциялар.

Камеранинг ишчи ҳажм элементи $F_{\text{фр}} dy$ ни тўғри бурчакли координаталар тизими x, y, z да кўриб чиқамиз (2.1 - расм).

Вақт бирлигида координата бошидан y масофага камера кесими орқали ўтадиган диаметри δ бўлган томчилар сони қуйидагича бўлади:

$$dn = N_0 \cdot B(y) \cdot f(\delta) \cdot d\delta, \quad (4)$$

бу ерда $B(y)$ – камера узунлиги бўйлаб ўзгариб боровчи, тагликка ва камера деворига тушадиган томчиларни ҳисобга олувчи коэффициент. N_0 – вақт бирлиги ичида фурсункадан сепилган умумий томчилар сони.

Суюқлик пуркалганда томчиларнинг диаметрлари σ бўйича тақсимланиш функцияси билан характерланадиган полидисперс томчилар мажмуи ҳосил бўлади. Умуман олганда, томчиларнинг диаметри бўйича тақсимланиши зичлиги кўринишда бўлади:

$$f(\delta) = \frac{1}{N_0} \frac{dn}{d\delta}, \quad (5)$$

Бу ҳолатда, вақт бирлигида диаметрлари δ бўлган томчиларнинг массавий сарфи ва сирт юзалари қуйидаги формулалардан ҳисобланади:

$$G_w = \rho_w N_0 \int_0^{\infty} \frac{\pi \delta^3}{6} f(\delta) \cdot d\delta, \quad (6)$$

$$dF_{\delta} = \pi \delta^2 dn = N_0 \cdot \pi \cdot \delta^2 \cdot B(y) \cdot f(\delta) \cdot d\delta, \quad (7)$$

$F_{\text{фр}} dy$ ҳажмда ўтиб турадиган шу диаметрдаги томчининг сирти,

$$N_0 \cdot \pi \cdot \delta^2 \cdot B(y) \cdot f(\delta) \cdot d\delta \cdot d\tau, \quad (8)$$

бу ерда $d\tau = \frac{dy}{V_y(\delta)}$ - $F_{\text{фр}} dy$ ҳажмда томчининг бўлиш вақти; $V_y(\delta)$ - у йўналишда диаметри δ бўлган томчиларининг мутлақ тезлиги.

$F_{\text{фр}} dy$ ҳажмда диаметри δ бўлган томчилардан ҳавога берилган аниқ (ошкор) иссиқлик миқдори қуйидаги кўринишда бўлади:

$$dQ_{\text{я}} = N_0 \cdot \alpha \cdot B(y) \cdot \pi \cdot f(\delta) \cdot (t_{\delta} - t) \cdot \delta \cdot d\delta \cdot y, \quad (9)$$

бу ерда α – томчи юзасининг иссиқлик бериш коэффициенти $\left(\frac{Вт}{м^2 \cdot К} \right)$.

Нуссельт сони учун маълум бўлган тенгликдан фойдаланиб ва уни (9) га қўйсақ:

$$dQ_{\text{я}} = N_0 \cdot \frac{Nu \cdot \lambda}{V_y(\delta)} \cdot B(y) \cdot \pi \cdot f(\delta) \cdot (t_{\delta} - t) \cdot \delta \cdot d\delta \cdot y, \quad (10)$$

Тенгликдан

$$\mu G_{\text{в}} = \rho_{\omega} \cdot N_0 \cdot \int_0^{\delta_{\max}} \frac{\pi \delta^3}{6} f(\delta) d\delta, \quad (11)$$

ва қуйидагига эга бўламиз

$$N_0 = \frac{6G_{\text{в}} \cdot \mu}{\pi \cdot \rho_{\omega} \cdot M_3} V_y(\delta), \quad (12)$$

$M_n = \int_0^{\delta_{\max}} \delta^n f(\delta) d\delta$ тенгликни эътиборга олсак, у ҳолда $M_3 = \int_0^{\delta_{\max}} \delta^3 f(\delta) d\delta$ бўлади.

Олинган N_0 ифодани (9) ифодага қўйиб ва уни барча спектр бўйича интегралласак, қуйидагига эга бўламиз:

$$dQ_{\text{я}} = \frac{6G_{\text{в}} \cdot \lambda}{\rho_{\omega} \cdot M_3} dy \cdot \int_0^{\delta_{\max}} \frac{Nu \cdot B(y)}{V_y(\delta)} \cdot \delta \cdot f(\delta) \cdot (t_{\delta} - t) \cdot d\delta, \quad (13)$$

Бошқа томондан

$$dQ_{\text{я}} = c_{\text{в}} G_{\text{д}} dt. \quad (14)$$

(13) ва (14) ифодаларни тенглаштириб қуйидагини оламиз:

$$\frac{dt}{dy} = \frac{6\mu\lambda}{c\rho_{\omega}M_3} \cdot \int_0^{\delta_{\max}} \frac{Nu \cdot B(y)}{V_y(\delta)} \cdot \delta \cdot f(\delta) \cdot (t_{\delta} - t) \cdot d\delta. \quad (15)$$

Янада тўлиқроқ математик модель олиш учун суғориш камерасида сувни пуркашдаги дисперсиявийлик хусусиятларни аниқлаш лозим.

Нормал-логарифмик қонунга кўра тарқалиш (ажралиш) функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$f(\delta) = \frac{1}{N_0} \frac{dn}{d(\lg \delta)} = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} \exp\left(-\frac{(\lg \delta - \lg D_{\xi})^2}{2\sigma^2}\right). \quad (16)$$

Бу ҳолатда M_3 моментининг қиймати қуйидагича бўлади:

$$M_3 = \int_0^{\infty} f(\delta) \delta^3 d\delta = \xi^3 \cdot \exp\left(\frac{9}{4}\right) c^2, \quad (17)$$

бу ерда

$$c = \sigma\sqrt{2 \cdot \ln 10}. \quad (18)$$

$D_{\text{кам}} / D_{\text{вх}} = 0,2 \dots 1$ бўлганда

$$\mu = \left[1 + 1,5 \left(\frac{D_{\text{кам}}}{D_{\text{вх}}} \right)^{0,475} \left(\frac{D_{\text{сп}}}{D_{\text{вх}}} \right)^{0,475} \right]^{-1}. \quad (19)$$

Бу боғлиқлик форсунка орқали сувнинг сарфланишини, кг/сек, ҳисоблашда ишлатилади:

$$G_w = 347,7 \cdot D_{\text{сп}}^2 \cdot \mu \cdot \sqrt{\Delta H_w \cdot \rho} \quad (20)$$

бу ерда $D_{\text{сп}}$ м да, ΔH эса 10^5 Па да.

(16) формула ёрдамида сепилган сувнинг дисперсия таркибини ҳисоблаш амалга оширилади, бунинг учун форсунканинг геометрик хусусиялари ва унгача сувнинг босимидан томчининг минимал диаметри D^{\min} , максимал диаметри D^{\max} ва максимал эҳтимолий ξ (мода) томчининг диаметри D_{ξ}^{\max} боғланишларини билиш керак. Биринчилардан бўлиб, Е.В. Стефанов и В.Д. Коркин дисперсия таркиби бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотларни олиб боришган. $\mu = 0,05 \dots 0,8$ бўлганда сув қатламининг қалинлигини ҳисоблаш учун нисбатан яқин боғланишдан фойдаланамиз

$$\delta_{\text{пл}} = D_{\text{сп}} (0,035 + 0,375\mu) \quad (25)$$

Нормал-логарифмик қонундан қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{dt}{dy} = A_1 \cdot \int_0^{\delta_{\max}} N_{\delta} \cdot \delta \cdot f(\delta) \cdot (t_{\delta} - t) d\delta, \quad (26)$$

бу ерда

$$A_1 = \frac{6 \cdot \mu \cdot \lambda}{c_b \cdot \rho_w \ln 10 \cdot \sigma \cdot \sqrt{2\pi} \cdot M_3}; \quad N_{\delta} = \frac{Nu \cdot B(y)}{V_y(\delta)}. \quad (27)$$

Юқоридагиларга мувофиқ, ҳавонинг намлик сақламини ва энтальпиясини аниқлаш учун Льюис боғланишларини ҳисобга олиб, қуйидаги тенгламаларни келтириб чиқариш мумкин:

$$\frac{dd}{dy} = A_1 \cdot \int_0^{\delta_{\max}} N_{\delta} \cdot \delta \cdot f(\delta) \cdot (d_{\delta} - d) d\delta; \quad (28)$$

$$\frac{dI}{dy} = A_1 \cdot \int_0^{\delta_{\max}} N_{\delta} \cdot \delta \cdot f(\delta) \cdot (I_{\delta} - I) d\delta. \quad (29)$$

бу ерда N_{δ} – диаметри δ бўлган томчилар сони, δ – томчининг диаметри.

$dt_{\delta}(y)$ катталикини аниқлаш учун тенгламани иссиқлик мувозанатидан оламиз:

$$\frac{dt_{\delta}}{dy} = A_2 (I - I_{\delta}), \quad (30)$$

бу ерда

$$A_2 = \frac{6 \cdot Nu \cdot \lambda}{c_b \cdot c_w \cdot \rho_w \cdot \delta^2 \cdot V_3(\delta)}. \quad (31)$$

Адиабатик суғориш камераси учун ечимларни олиш иссиқлик ва масса ўтиши тенгламалари ва NTU_A ни топишга олиб келади, бу эса суғориш камерасида содир бўлаётган иссиқлик ва масса ўтиши жараёнларининг хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради.

Қайта ишланаётган ҳавонинг энтальпияси ўзгармас ҳолатда ҳавога адиабатик ишлов бериш режими учун рециркуляцион сувнинг ҳарорати доимий ва у $I = I_{\delta} = const$ да ҳавонинг ҳўл термометр бўйича ҳароратига тенг. Бу ҳолатда (28) ва (29) тенгламалар уч томонлама ечимга эга: $I = I_{\delta} = const$ ва $t_{\delta} = t_M = const$. (26) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{1}{(t - t_M)} \frac{dt}{d\tau} = \frac{6\mu\lambda}{c\rho_w M_3} \cdot \int_0^{\infty} Nu(\tau) B(\tau) f(\delta) d\delta, \quad (32)$$

бу ерда $B(\tau)$ – камера узунлиги бўйлаб суғориш коэффициентини ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент.

(32) ифодани τ бўйича интеграллаймиз:

$$NTU_A = \frac{6\mu\lambda}{c\rho_w M_3} \cdot \int_0^\infty \delta f(\delta) d\delta \int_0^\tau Nu(\tau) B(\tau) d\tau, \quad (33)$$

τ ва δ бўйича интегралланган (33) ифодани ўртача қиймати қуйидагича аниқланади:

$$NTU_A = \frac{6\mu\lambda}{c\rho_w M_3} \overline{Nu}_{\dot{y}p} \overline{B}_{\dot{y}p} \overline{\tau}_{\dot{y}p}. \quad (34)$$

Диаметри $\delta = D_\xi$ бўлган томчининг ҳаракати ва иссиқлик-масса ўтиши тенгламаларини ечиш орқали ўртача катталиклар $\overline{Nu}_{cp}, \overline{B}_{cp}, \overline{\tau}_{cp}$ қийматлари аниқланади. Форсункалари ёнда жойлашган камера фақат ҳаво оқими йўлига ($i=1$) қўйилган биринчи типдаги томчилар ҳаракатида қўлланилади.

Топилган NTU_A қийматига мос иссиқлик алмашинув аппарати геометрик ўлчамларини топиш керак. Бунинг учун форсункали камеранинг геометрик ўлчамларини аниқлаш учун қуйидаги ифодалардан фойдаланилади:

$$NTU_A = \frac{F_i N_1}{(H_{кам} + 2f_i)(B_{кам} + 2f_i)} + 0,15; \quad (35)$$

$$F_i = \frac{4 + \sqrt{\sqrt{(\tau v_B - (-1)^{i+1} L_i)^2 + s_{yi}^2 D_\xi^2}}}{D_\xi^2} F_i N_1 \tau_i \left(\frac{q_\phi}{\sqrt{H_w}} \right) \frac{14,7 \cdot 10^{-5}}{3,6 \cdot 2,4} \frac{\sqrt{H_w}}{V_B} \exp(-2c^2); \quad (36)$$

$H_{кам}, B_{кам}$ – камера кўндаланг кесими баландлиги ва кенглиги, м; f_i – камеранинг ички юзасига томчиларнинг тушишини ҳисобга олиш коэффициенти; NTU_A – биринчи типдаги томчи учун ўтиш бирлиги сони; N_1 – қатордаги форсункалар сони; A_r – форсунканинг геометрик хусусияти; A_i, F_i, Z_i – ёрдамчи коэффициентлар.

Иссиқлик мувозанати. Ҳавони намлантиришда изоэнтальпия жараёнини иссиқлик – намлик жиҳатидан тавсифлаш учун қуйидаги тенгламалардан фойдаланамиз:

- ҳавони адиабатик намлантириш учун иссиқлик мувозанати

$$Q_y = Q_m + \Delta Q, \text{ Вт}; \quad (44)$$

- ҳаво билан берилаётган ва сув қабул қилаётган иссиқлик миқдори

$$Q_y = c_p G_B (t_1 - t_2), \text{ Вт}; \quad (45)$$

- оқим массасига тўғри келадиган иссиқлик оқимининг яширин миқдори

$$Q_m = r G_B (d_1 - d_2), \text{ Вт}; \quad (46)$$

бу ерда: Q_y – ҳаво билан берилаётган ва сув қабул қилаётган иссиқлик миқдори (Вт), Q_m – оқим массасига тўғри келадиган иссиқлик оқимининг яширин миқдори (Вт), ΔQ – атроф муҳитга йўқотилаётган иссиқлик (Вт), G_B – берилаётган ҳавонинг массавий сарфи (кг/соат), t_1, t_2 – мос равишда суғориш камерасига кираётган ва ундан чиқаётган ҳавонинг ҳароратлари ($^{\circ}\text{C}$), c_p – ҳавонинг

солиштирма массавий иссиқлик сифими (кЖ/кг), $r - t_w$ ҳароратдаги буғ кўринишидаги яширин иссиқлик (кЖ/кг).

Бошқа томондан, тўлиқ иссиқлик миқдорини соатига t_w ҳароратдаги сувга берилаётган t ҳароратдаги ҳаво оқими билан боғланиш юза бирлиги dF орасидаги муносабатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$dQ = \alpha_B(t - t_w)dF, \text{ Вт}; \quad (47)$$

Массанинг конвектив ўтиши учун қуйидагига эгамиз:

$$dG_m = \beta_d(d - d_w)dF, \text{ кг/с}; \quad (48)$$

бу ерда α_B – ҳаво томонидан иссиқлик бериш коэффиценти, Вт/(м²·К); β_d – масса бериш коэффиценти, намлик сақлами фарқига олиб келиши, Вт/(м²·с); d – намлантириладиган ҳавонинг намлик сақлами, г/кг; d_w – сувнинг ҳарорати t_w бўлганда тўйинган нам ҳавонинг намлик сақлами, г/кг;

Синов ўтказиш вақтида йўқотилаётган иссиқлик миқдори ΔQ ни камайтириш мақсадида камеранинг тўлиқ юзаси самарадор иссиқлик изоляция қатлами билан қопланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳавони изоэнтальпия жараёнида намлантириш натижасида, камерага кирган ҳаво тўйинган нам ҳавога ўзгаради ва унинг охириги ҳарорати t_2 сувнинг ҳарорати t_w билан таққослаш керак бўлади. Суғориш камерасида ҳавога адиабатик жараёнда ишлов беришда сувнинг ҳарорати t_w нам термометр ҳарорати t_m га тенг бўлади, яъни $t_w = t_m = const$.

Адиабатик суғориш камераси олдида қўйилган масалаларга ечим олиш ўтиш сонли бирлиги NTU_A га олиб келади.


$$NTU_A = \frac{\alpha F}{G_B c_p} = \frac{t_1 - t_2}{\Delta t_p} \quad (49)$$

бу ерда Δt_p – ишлов бериладиган ҳаво ва сув юзаси билан алоқада бўлган ҳаво ҳароратларининг ўртача ҳисобланган фарқи.

Диссертациянинг «**Икки босқичли буғланма совитиш қурилмаси ва ундаги жараёнларнинг экспериментал тадқиқоти**» деб, номланган учинчи бобида тажриба қурилмасининг баёни, буғланма совитгичлардан айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргични қўллаш, тадқиқот ўтказиш методикаси, айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичда босимнинг йўқолишини ҳисоблаш, шунингдек, икки босқичли буғлатиб совитиш камераси ва айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргични қўллаш имкониятини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари баёни келтирилган.

Ҳавони мўътадиллаш учун таклиф этилган буғланма совитгичнинг схемасида ҳавога сув билан ишлов бериш, ҳавони ададиабатик намлантириш сифатида буғлатиб совитиш усулидан фойдаланилди. Тажриба қурилмасининг тузилиши 2 – расмда келтирилган.

Тадқиқот олиб боришда олинadиган натижа сифатида қурилманинг ихчамлигига, массаси ва уни тайёрлашда ишлатиладиган материаллар нархини пасайтиришга, хўжалик биноларида уни қўллашда самарадорликни ошириш мақсадида айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичлардан фойдаланишга эътибор қаратилган.



2 – расм. Айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичли (АРИА) икки босқичли буғланма ҳаво совитгичи. 1, 2 – мос ҳола АРИА1 ва АРИА2, 3, 10 – буғлатиш камералари, 4 – атмосферадан совитиш учун олинган ҳаво, 5, 6, 7 – совитиладиган ҳаво оқимлари, мос ҳолда АРИА1 ҳўл қисмига, АРИА1 қуруқ қисмига ва АРИА2 қуруқ қисмига бериладиган, 8 ва 11 – атмосферага ташлаб юбориладиган ҳаво оқими, 9 – АРИА1 қуруқ қисмидан олинган ҳаво оқими, 12 – бинога бериладиган совитилган ҳаво оқими, 13 – вентилятор – нагнетатель. Стрелкалар орқали ҳаво ва сув оқимлари кўрсатилган. Сув бериш насоси кўрсатилмаган.

Атмосферадан вентилятор 13 ёрдамида олинган ва ўз маълум босимига эга бўлган ҳаво оқими 4 алоҳида учта секцияга 5, 6, 7 бўлиниб, иккита буғлатиш камераси 3, 10 га ва айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичлар 1, 2 га (АРИА1,2) юборилади. Биринчи ҳаво оқими 5 буғлатиш камераси 3 да сув билан қайта ишланиб АРИА1дан ўтади (регенератив иссиқлик алмаштиргичнинг юқори қисмидан) ва бу ҳаво оқими 8 атмосферага чиқариб юборилади. Иккинчи ҳаво оқими 6 АРИА1 дан ўтиб иккинчи буғлатиш камараси 10 га киради ва сув билан унга ишлов берилади, сўнгра у АРИА2 дан ўтади ва атмосферага ташлаб юборилади. Учинчи ҳаво оқими 7 АРИА2 нинг қуруқ қисмидан ўтиб бинога берилади.

Икки босқичлик буғланма совитгичда иккита айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичдан фойдаланиш совитгичнинг энергетик самарадорилигини оширишга хизмат қилади. Бино ҳавосининг нисбий намлиги ошиб кетмаслиги учун биринчи 5 ва иккинчи 6 ҳаво оқимлари нисбий намлиги 100%га яқин бўлганлиги сабабли атмосферага ташлаб юборилади. Аммо, улар АРИА 1, 2 дан ўтганда иссиқлик алмашинуви жараёни натижасида учинчи ҳаво оқими 7 зарур бўлган ҳароратга эришади.


Буғлатиш камерасига $8 \div 10$ МПа босимда туман ҳосил қилувчи замонавий форсункадан сув пуркалади ва сув томчиларининг барчаси ҳаво билан алоқага кириб, буғланиб кетади. Натижада, айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичдан ҳарорати пасайган, нисбий намлиги 95% дан кам бўлмаган кўрсаткичларга эга ҳаво ўтиши таъминланади.

Буғланма ҳаво совитгичининг илмий - тажрибавий қурилмасининг уч ўлчамли лойиҳаси 3 – расмда келтирилган.



3 - расм. Буғланма ҳаво совитгичининг илмий – тажрибавий қурилмаси.

Форсукали камеранинг ишлаши ҳавонинг уюрмали ҳаракатига асосланганлиги сабабли, унинг шакли ва геометрик ўлчамлари ҳавонинг ҳаракат йўлини шакллантириши керак.




4 - расм. Форсукали камера кўриниши. а) уч ўлчамли лойиҳаланиши; б) ишлаш принципи.

Форсукали камерага ташқи ҳаво кириш канали орқали кириб, камерада уюрмавий айланма ҳаракат қилади. Бу ҳаракатни юзага келтириш учун ҳаво кириш канали камера деворига уринма бўлиб жойлаштирилган. Камерага кирган ҳаво дастлаб камеранинг девор юзаси бўйлаб айланма чиқиш канали томон

ҳаракатланади. Форсунка факели айнан ҳаво йўлини кесиб ўтади ва у билан алоқага киришади. Ҳаво билан суюқликнинг алоқа масофаси қанчалик узун бўлса, суюқликнинг тўлиқ буғланиши ҳисобга олиб, ҳавонинг ҳаракат траекториясининг узунлигини таъминлаш мақсадида йўналтирувчи кўндаланг ёрдамчи тўсиқлар ўрнатилган.


4 – расмда буғлатиш камерасида кирувчи ҳавонинг ҳаракат йўли кўрсатилган. Форсунка камеранинг юқорисидан трубка орқали марказга қадар тушириб, жойлаштирилади. Кирувчи ҳаво сув томчилари тўлиқ буғланиб кетгунга қадар камерадан чиқиб кетмаслиги учун унинг айланма ҳаракати давомийлигини имкон қадар узайтириш керак.

Форсункали камерага берилаётган сув миқдори унинг термик самарадорлигига тўғри пропорционал бўлиши олинган синов натижалари асосида қурилган графикдан кўриш мумкин (5 – расм).




5– расм. Форсункали камера самарадорлик коэффициентини (E_a) суғориш коэффициентига (B , г/кг) боғлиқлиги.

Форсункали камеранинг термик самарадорлигини баҳолашда унга кирувчи ҳаво миқдори ва сув босимига боғлиқлигини (6 – расм) синов натижалари таҳлил қилиш учун қурилган графикдан кўриш мумкин. Унга кўра $350 \div 450$ м³/соат миқдордаги ҳаво оқими камерага берилганда сувнинг босими 10 бар бўлиши термик самарадорлиги юқори кўрсаткичларга эришишга олиб келади.




6 – расм. Форсункали камерада ҳавога ишлов бериш самарадорлиги (E_a) ўзгаришининг ҳаво сарфига (L , м³/соат) боғлиқлиги.



7 – расм. Форсункали камера самарадорлик коэффициенти (E) ўзгаришининг сув босимига (H_w , бар) боғлиқлиги

Камерага берилётган турли ҳаво миқдорларига сув босимининг термик самарадорликка боғлиқлиги синов натижалари асосида олинган. 7 – расмда келтирилган. Бу графикдан сув босими ҳаво миқдорига мутаносиб бўлганда, камеранинг самарадорлиги юқори бўлишини кўриш мумкин.

8– расмда тадқиқ қилинаётган айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичнинг иссиқлик самарадорлигини турли хил ҳаво оқимларига W_1 , W_2 насадканинг айланиш частотасига боғлиқлиги келтирилган. Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, насадкани айланиш частотаси 9 дан 13 *айл/мин* гача оптимал деб, ҳисоблаш мумкин.



8 – расм. Айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич иссиқлик самарадорлигини насадка айланишлар частотасига боғлиқлик графиги.


$$1. W_1 = 192 \text{ Bm}/K, W_2 = 197 \text{ Bm}/K, W_1/W_2 = 0,97$$

$$2. W_1 = 192 \text{ Bm}/K, W_2 = 213 \text{ Bm}/K, W_1/W_2 = 0,91$$

$$3. W_1 = 192 \text{ Bm}/K, W_2 = 226 \text{ Bm}/K, W_1/W_2 = 0,84$$


Иссиқлик ҳаво оқимидан насадкага ўртача иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш учун тажриба ўтказилди. Насадкага кирадиган ҳаво оқимини ўртача ҳарорати вақт ўтиши билан доимий равишда сақланиб қолади. Қурилмадан чиқадиган ҳаво оқимининг ўртача ҳарорати ўрнатилган иш режимида бўлади. Совуқ ҳаво оқими сарфи беқарор сақланиб, иссиқ ҳаво оқимининг сарфи қиймати 100 дан 600 $m^3/соат$ гача ўзгартириб борилди. Насадканинг айланиш частотаси эса 13 $айл/мин$ га тенг. Тажриба маълумотлари қайта ишлашга қабул қилинганда иссиқлик мувозанатидаги фарқ 10% дан ошмади.

9– расмда айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич термик самарадорлигини ҳаво оқимларининг сув эквиваленти нисбатига $E = f\left(\frac{W_1}{W_2}\right)$ боғлиқлик кўриниши келтирилган.



9 – расм. Айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргич термик самарадорлигининг ҳисобланган ва тажриба асосида олинган қийматлар таққосланган. 1-тажриба натижасида олинган маълумотлар; 2-назарий ҳисобланган маълумотлар.


Ҳавони мўтадиллаш тизими иккита буғлатиш камераси ва иккита айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичдан ташкил топган. Қуйида қурилмадан чиқётган нам ҳаво параметрларини аниқлаш бўйича ҳисоблаш ва синов натижалари кўрсатилган.



10 – расм. Айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргичдан хонага берилаётган ҳавонинг ҳарорати бўйича олинган назарий ва синов натижалар фарқи.


Айланувчи регенератив иссиқлик алмаштиргични синовдан ўтказиш жараёнида назарий олинган натижалар билан фарқ борлиги аниқланди (10-расм).

11 – расмда кўриб чиқилаётган ҳавони мўътадиллаш буғланма совитиш тизимининг принципитал схемаси келтирилган.



11 – расм. Ҳавони мўътадиллаш икки босқичли буғланма совитиш қурилмасининг принципитал схемаси.

Нам ҳавонинг i-d диаграммаси



12 – расм. Икки босқичли буғланма совитиш қурилмасида ҳавони мўътадиллаш жараёнининг I-d диаграммада тасвирланиши.

2020 йилнинг ёз ойларида “ROYAL FAMILY” масъулияти чекланган жамиятнинг қоғозлар билан ишлайдиган нашр этиш биносининг ҳавони мўътадиллаш тизимида икки босқичли буғлатиб совитиш усули жорий қилинди. Сутканинг соат 8-00 дан 19-00 гача бўлган вақт оралиғида ташқи ҳавонинг ҳарорати 35-42 °C атрофида, синов қурилмаси ишга тушгандан ва бир хил меъёрда ишлай бошлагандан сўнг хонанинг ҳарорати 24-25 °C гача, нисбий намлиги эса 45-46% атрофида бўлишига эришилди.

ХУЛОСА

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Хўжалик ва ишлаб чиқариш биноларида ҳавони совитиш тизимининг самарадорлигини икки босқичли буғлатиб совитгич асосида ошириш» илмий иш натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ҳавони буғлатиб совитиш усулидан фойдаланиб, ҳавони мўътадиллаш тизимларида иссиқлик ва электр энергия сарфини камайтиришга имкон берувчи янги энергия самарадор схема ва тажриба-синов қурилмаси яратилган.

2. Тажриба орқали буғлатиб совитиш қурилмасидаги ҳавонинг аэродинамик қаршилиги ҳаво оқимининг тезлигига ва форсункали камерадан чиқаётган нам ҳавонинг ҳўл термометр бўйича ҳарорати сарф коэффициентига мос равишда ўзгариши аниқланди. **3**

Натижада форсункали камеранинг термик самарадорлик коэффициенти $6 \div 8$ % га ошишига эришилди.

3. Форсункали камерада иссиқлик ва масса ўтиш жараёнининг математик модели яратилди. Натижада юқори термик самарадорликка эга бўлган форсункали камеранинг термодинамик кўрсаткичларини аниқлаш имконияти вужудга келди.

4. Иссиқлик алмашинув насадкаларининг геометрик ўлчамлари қиймати иссиқлик самарадорлигига, ҳаво оқими сарфига (кг/с), босимнинг исроф бўлишига ва иссиқлик алмашинув сиртларига ўзаро боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди. Натижада иссиқлик алмаштиргич насадка узунлиги $l = 250 \dots 300$ мм ва диаметри $d = 2,6 \dots 3,4$ мм бўлганда термик самарадорлик $78 \div 84\%$ бўлишига эришилди.

5. Икки босқичли буғлатиб совитиш қурилмасидан чиқувчи ҳаво ($t''_{\text{ҳаво}}$) кўрсаткичларини ЭҲМда ҳисоблаш учун алгоритм ишлаб чиқилди ва дастур яратилди.

6. Ўзбекистон иқлимий шароитида икки босқичли буғлатиб совитиш тамойилида ишлайдиган ҳавони мўътадиллаш тизимларидан фойдаланиш нисбатан самарали эканлиги аниқланди ҳамда янги энергия тежамкор икки босқичли буғланма совитгич қурилмаси яратилди. Ушбу қурилмани «ROYAL FAMILY» МЧЖнинг барча биноларига жорий этиш натижасида ҳавони мўътадиллаш тизимида кутилаётган йиллик иқтисодий самара 77129236 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc 03/10.122019.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

МУХТАРОВ ФАРРУХ ХАНДАМОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ СИСТЕМ ОХЛАЖДЕНИЯ
ВОЗДУХА БЫТОВЫХ И ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПОМЕЩЕНИЙ НА
ОСНОВЕ ДВУХСТУПЕНЧАТОГО ИСПАРИТЕЛЬНОГО ОХЛАДИТЕЛЯ**

05.05.04 - Промышленная теплоэнергетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за № В2017.1.PhD/Г97

Диссертация выполнена в Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и информационном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Захидов Ромэн Абдуллаевич
доктор технических наук, академик

Официальные оппоненты:

Бабаходжаев Рахимжон Пачеханович
доктор технических наук, доцент

Узоков Гуломжон Норбоевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

АО «Теплоэлектропроект»

Защита диссертации состоится «30» 10 2021 года в 11³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент ул. Университетская 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32 e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер 221). Адрес 100095, Ташкент, ул. Университетская 2 Тел. (99871)246-03-41

Автореферат диссертации разослан «13» 10 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 10 от «6» 11 2021 года).



К.Р. Алтаев

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор, академик

О.Х. Ишнараров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Р.П. Бабаходжаев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование испарительных охлаждающих устройств для кондиционирования воздуха (охлаждение, обогрев, вентиляция и увлажнение) сельскохозяйственных и промышленных зданий приобретает все большее значение. В связи с этим в развитых странах «... из-за постоянного роста энергопотребления и конкуренции, возникает необходимость постепенно использовать энергоэффективное оборудование, потребляющее меньше энергии. Стоимость использования и установки испарительных холодильников составляла 50% или меньше, чем у обычных холодильников или кондиционеров»¹. При этом вся научная и инженерная деятельность в мире направлена на поиск путей рационального использования природных и энергетических ресурсов и создание экологически чистых и энергосберегающих устройств, обеспечивающих жизнь человека. В связи с этим, в том числе в мировой практике, особое внимание уделяется использованию испарительных охладителей для повышения энергоэффективности систем кондиционирования воздуха.

В мире проводятся исследования по вопросам использования методов испарения и охлаждения в системах кондиционирования воздуха сельскохозяйственных и производственных зданий, выявления и моделирования факторов, влияющих на систему, совершенствования и повышения надежности двухступенчатых устройств испарительного охлаждения, а также разработки современных технологий, снижающих энергопотребление в системах кондиционирования воздуха. В этой области парокompрессорные машины используются в качестве основного источника охлаждения для систем кондиционирования воздуха, в том числе жилых, общественных, сельскохозяйственных и промышленных зданий, но они имеют ряд недостатков, с точки зрения экономии энергии и ресурсов. Поэтому использование испарительных охладителей в системах кондиционирования воздуха является актуальной проблемой.

Развитие энергетического сектора, являющегося важной отраслью экономики республики, осуществляется с целью обновления технологического уровня отрасли, включая моделирование конструктивных и режимных показателей в системах кондиционирования воздуха в зданиях и сооружениях, геометрические измерения устройства и затраченные на него ресурсы, снижение энергопотребления. В постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4422 от 22.08.2019 г. отмечены задачи: «... повышение энергоэффективности в экономике и социальной сфере, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий и возобновляемых источников энергии должно оставаться одним из текущих направлений государственной политики»². Реализация этой задачи, в том числе усовершенствование систем кондиционирования (охлаждения,

¹https://www.researchgate.net/publication/267762698_Review_of_research_and_application_of_evaporative_cooling_in_preservation_of_fresh_agricultural_produce

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 22.08.2019 г. «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии»

обогрева, вентиляции и увлажнения) с использованием двухступенчатых испарительных холодильников, является важным вопросом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в № ПК – 2343 от 5 мая 2015 года «О программах сокращения использования энергии и внедрения энергосберегающей технологии в отраслях экономики и социальной сфере на 2015 – 2019 годы» и № ПП – 3379 от 8 ноября 2017 года «О мерах по обеспечению рационального использования энергоресурсов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования перспективным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: II «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

